

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИГРАЦИЯ ТАЪСИРИДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ ХАТАРЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маджидова Дилдора Абдухамидовна

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим, Ўзбекистон

Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бўлими мудири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6908328>

Аннотация. Мазкур мақолада “хавфсиз ҳудуд” ва “хавфсиз маҳалла” тамойили асосида оилалар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни бартараф этишининг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада миграция таъсирида юзага келадиган хавфларнинг олдини олишда ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифалари ифодаланган.

Калит сўзлар: хавфсиз ҳудуд, хавфсиз маҳалла, хавфсиз болалик, хатарлар, оммавий маданият, оила, дистант оила, ота-она, бола, меҳнат миграцияси, ўзини-ўзи бошқариш органи.

ВАЖНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ РИСКОВ, ВЫЗВАННЫХ МИГРАЦИЕЙ, В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРОЧНОСТИ СЕМЕЙ

Аннотация. В статье анализируются факторы, негативно влияющие на стабильность семей, и важные аспекты их устранения на основе принципов «безопасной территории» и «безопасной махаллы». Также в статье описывается роль органов самоуправления в предотвращении рисков, связанных с миграцией.

Ключевые слова: безопасная территория, безопасная махалля, безопасное детство, риски, массовая культура, семья, дистантная семья, родители, ребенок, трудовая миграция, органы самоуправления граждан.

IMPORTANT DIRECTIONS FOR PREVENTING RISKS CAUSED BY MIGRATION IN ENSURING THE STRENGTH OF FAMILIES

Abstract. The article analyzes the factors that negatively affect the stability of families, and important aspects of their elimination on the basis of the principles of “safe territory” and “safe mahalla”. The article also describes the role of self-government bodies in preventing the risks associated with migration.

Keywords: safe area, safe mahalla, safe childhood, risks, mass culture, family, distant family, parents, child, labor migration, citizens' self-government bodies.

КИРИШ

Ҳар бир инсон ҳуқуқий давлатда яшар экан, солиқ тўловчи ва ўрнатилган қонун-қоидаларга, ўз фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этувчи фуқаро сифатида ўзи ва ўз фарзандлари учун хавфсиз ҳудудда яшаш имкониятига эга бўлиши лозимдир. Давлатда хавфсизлик таъминланиши даражасини ахборот майдонидаги, масалан ОАВ, ижтимоий тармоқлардаги хабарлар бўйича баҳолаймиз, бунда ҳар бир содир бўлган воқеа-ҳодисаларга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича ижтимоий сўров, талаб шаклланиб боради. Хавфсизликка оид сўров содир бўлган воқеа-ҳодиса тўғрисидаги хабарнинг чин эканлигида муваффақиятли бўлади ва унинг таҳлили асосида аниқ ижрочиларга нисбатан амалий талаблар илгари сурилади. Мазкур жараён ҳақиқатда самарали амалга ошиши учун қандай чора-тадбирлар таъминланиши талаб этилади?

Ҳозирги кунда экологик муаммолар билан бир қаторда инсоният фирибгарлик, компьютер фирибгарлиги ва терроризм, “оммавий маданият” каби антропоген хусусиятдаги хатарларга дуч келмоқда, улар ўз навбатида хавфсизлик чораларини кучайтириш – ахборотни ҳимоялаш, фирибгарликни аниқлашни ҳамда ижтимоий тармоқлардаги тарғиботларнинг олдини олиш бўйича янада жиддий кампаниялар, чоратадбирларни талаб этмоқда. Шу сабабли бундай муаммоларга қандай ечим топиш мумкинлиги бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Биз хавфсизликда эканлигимизга ва ташқи шароитларга тезкор мослаша олишимизга ишонч ҳосил қилиш учун аҳолига мумкин бўлган хатарлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам етказиб бориш, уларни бартараф этиш, доимий ўзгариб боровчи потенциал салбий омилларга мослашиш, бундай хатарларни ўз вақтида аниқлашнинг самарали методларини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир.

Бизнингча, “Хавфсиз маҳалла” тушунчаси остида атроф-муҳит, саломатлик, хавф-хатардан, таҳдидлардан йироқлик хусусиятлари билан бир қаторда, биз аввало *“Хавф-хатардан холи оила”*, *“Хавфсиз кўшничлик”*, *“Хавфсиз болалик”* каби муҳим омилларга алоҳида эътиборимизни қаратишимиз зарур. Айнан оиланинг фаровон ва осойишталиги, болаларнинг тинчлик-хотиржамлиги ва барча асосий эҳтиёжлари таъминланганлиги асосида жиноятлар, зўрлаш, мажбурлашлар, уруш-жанжаллар, низолар, ажримлар содир бўлмайдиган ёки жуда кам содир бўлиши мумкин бўлган маҳалла ва жамиятни барпо этишимиз мумкин. Чунки тадқиқотлар ва статистик маълумотлардан маълумки, хулқи оғишган, уюлмаган ёшлар кўпроқ ноқобил, нотўлиқ оилаларда вояга етишлари ҳам асосий сабаблардан ҳисобланади.

Шу тариқа, *«хавфсиз болалик»* – бу болалар ва катталар учун болаларда хавфсиз хулқ-атвор маданиятини тарбиялаш масалалари бўйича олдини олувчи чора-тадбирлар мажмуидир. Болалар ўзлари учун атроф-муҳитда қандай хатарлар, таҳдидлар мавжудлигини тушунишлари, хавфсиз хулқ-атвор қоидаларини билишлари зарур. Бунда ота-оналар ўз фарзандларининг хавфсизликлари учун жавобгарлик даражаларини англашлари муҳим омил ҳисобланади.

Шу сабабли кўп асрлик тарихга эга бўлган миллий қадриятларимизни сақлаш ва тарғиб қилиш, ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбияси орқали турли таҳдидлар, зарарли оқимлар, “оммавий маданият” таъсирига дучор бўлмасликлари учун аввало ота-оналар, маҳалла ва таълим-тарбия муассасаларининг масъуллигини таъкидлаш лозим. Турли зарарли оқимлар, “оммавий маданият”нинг ёшлар онгини заҳарлашида ижтимоий тармоқлар билан бир қаторда болаларнинг ота-она назоратисиз ёки ота-она қарамоғисиз қолиши ҳолатлари ҳам асосий сабаблардан бири эканлиги ачинарлидир. Айниқса, ота-онанинг даромад излаб фарзандларини ўз юртида қолдириб кетишлари бунга яққол мисолдир. Бунда икки омил – хориж давлатидаги урф-одат, маданиятнинг маҳаллалар, оилаларимизга кириб келиши, фарзандларимиз тарбиясига сингиб бориши ҳамда ота-она назоратисиз қолган болаларнинг таълим-тарбиясида ота-онанинг ўз масъулиятини тўлиқ амалга оширмаслиги, эр-хотин муносабатларидаги муаммолар каби салбий ҳолатлар юз бермоқда.

А.Л.Цинцарнинг фикрича, ҳозирги замонда оиланинг янги тури – “вақтинча ажралган” ёки *“дистант оилалар”* тури пайдо бўлган. Бундай оилалар сўнгги йилларда

кўп учраб, улар оиланинг муқобил шаклига ҳам айланиб бормоқда [9]. Дистант оилалар муаммолари Ф.А.Мустаева, В.С.Торохтий [8], Д.И. Пенишкевич [7] каби тадқиқотчи олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Мазкур тадқиқотчилар касбий фаолияти сабабли турмуши алоҳида бўлган эр-хотинлардан иборат оилаларни ажратганлар. Л.В.Боярин ўз тадқиқотида дистант оилалар функциялари ва улар юзага келишининг сабабларини ажратади [2].

А.Л.Цинцарнинг фикрича, *дистант оила* – бу ота-оналардан бири оиланинг шароитини яхшилаш мақсадида узок даврга бошқа шаҳар, мамлакатларга кетиб ишлаётган оилалар ҳисобланади. Дистант оиладаги ота-онанинг фарзандлари билан мулоқоти доимий бўлмай, бу ўсмирнинг шахс соҳаси ривожланишидаги бузилишларга ва ўзини англаши соҳаси шаклланишига таъсир кўрсатади [9].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Болаларнинг тўлиқ оилада тарбияланмаслиги, уларни бошқа қариндошларга қолдириб кетиш, уларнинг оилада шаклланидиган, ижтимоий интеграция учун муҳим бўлган кўникмаларни эгаллай олмаслиги, ўз ҳиссиётларини бошқара олмаслиги ҳамда шахслараро муносабатларни шакллантира олмаслигига олиб келиши мумкин. Ота-онаси ва яқин қариндошлари томонидан эътиборсиз қолиб кетиши уларда ҳулқ-атворнинг бузилиши, хусусан, девиант ҳулқ-атворнинг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Меҳнат шароитлари ва хатарлар. Кўпчилик мигрант аёллар иш жойида ноқулай шароитларга дуч келиши мумкин. Асосий салбий омилларга: очик ҳавода ёки маълум ишлаб чиқариш воситалари билан боғлиқ бўлган ноқулай иш шароитлари, тунги иш, дам олиш ва тушлик учун танаффуслар бўлмаслиги, оғир юклар кўтариш, санитария шароитларининг бўлмаслиги киради. Шунингдек, кўпчилик иш берувчилар меҳнат мигрантлари бетоб бўлганда ёки жароҳат олган тақдирда харажатларни ўз зиммаларига олишни истамайди.

Кўпгина оилаларда маълумот йўқлиги ва бундай ёрдамга эҳтиёж ва ҳуқуқни асослашда қийинчиликлар мавжудлиги сабабли кам таъминланган оилалар учун ижтимоий ёрдам ва имтиёزلардан фойдаланиш имконияти йўқ. Пул ўтказмалари оилаларнинг эҳтиёжларини, хусусан болаларнинг психологик фаровонлигини тўлиқ қондириш учун етарли ёки етарли эмаслиги тасдиқланмаган. Ота-оналарнинг миграцияси сабабли, назоратсиз қолган болалар оиланинг бузилиши оқибатларидан жабр чекишлари, етарлича ғамхўрлик кўрмасликлари, назоратсизлик оқибатида турли зарарли оқимлар таъсирини тушиб қолишлари мумкин. Бу, айниқса, болаларнинг психологик ва ҳиссий саломатлигига таъсир қилиши мумкин. Шу билан биргаликда оиладаги вояга етган эркекларнинг (ота, ака-укалар) хорижга кетиб, ўз юртидаги оиласида хотин-қизлар ва уларнинг кичик ёшдаги болаларининг ёлғиз қолиши оқибатида ҳам турли ижтимоий, маиший, психологик қийинчиликлар юзага келиши мумкинлигига маҳалла фаолларининг эътиборини қаратишимиз зарур.

Давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Ўзбекистонда миграция масалаларига муносабат тубдан ўзгарди. Хорижга ишлаш учун чиқиб кетган (шу жумладан, қийин вазиятга тушиб қолган) фуқароларни тегишли ваколатхоналар, агентликлар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, муносиб иш шароитини яратиш каби чоралар кўрилмоқда.

Лекин шунга қарамай, хизматларнинг барқарорлигига эришилмаганлиги сабабли хали-ҳануз чет элга ишлаш мақсадида кетганларнинг ўз юртида қолган оиласи орасида давлат кўмагига муҳтож аъзолари мавжуд. Бу эса оиланинг бошқа аъзолари орасидан хорижга кетишни режалаштирган фуқаролар сони ортишига сабаб бўлади. Меҳнат миграцияси жамиятда ҳамда оилалар ижтимоий-психологик муаммоларининг авж олишига ҳам бевосита таъсир қилган омил ҳисобланади.

Бу оилавий тизимда – уни ташкил этувчи турли муносабатлардаги қуйидаги йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин:

- оилавий муносабатлар тизимидаги бузилишлар: катта авлод ва кичик авлод ўртасидаги жонли мулоқотнинг узилиши, эр-хотин муносабатида функционал бузилишлар; ишончсизлик, ажралишлар, хиёнат;

- ота-она ва фарзанд муносабатларидаги муаммолар. Бу эса ўз навбатида боланинг шахси, ҳиссий-иродавий соҳаси, шахслараро муносабатлари хусусиятлари, ота-она обрўси ва шу каби бошқа муносабатлардаги муаммолар юзага келишига сабаб бўлади;

- ота-она ёки улардан бирининг назоратсиз қолган болаларда шахс тузилмасида турли ўзгаришлар содир бўлади: ўзининг мансублиги соҳасини англаши, яқинларига нисбатан ҳиссий боғланишнинг шаклланишидаги бузилишлар, ота-она функцияларининг оиладаги тўғри фарзандга ўтиши билан болаларнинг кун тартиби ва мажбуриятидаги ўзгаришлар, таълимий қизиқишларининг сўниши ва ҳ.к.

Оилада, ота-онанинг иккиси ҳам, айниқса онанинг меҳнат миграциясида бўлиши, фарзандлари учун психологик оғир кечиши, ўзини четга тортиш, ёпиқлик, хулқ-атворнинг ижтимоий ўхшашлиги омилларининг салбий кўрсаткичларга эгаллигини кўрсатди.

Жумладан, республикамизда меҳнат миграциясининг оилалар барқарорлигига таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқот натижалари ва таҳлиллар кўрсатишича, бугунги кунда бу йўналишда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда, аввало, ташқи меҳнат миграциясининг оилавий муносабатларга салбий таъсири кузатилади.

Халқаро тажрибада оилавий муаммоларни ҳал қилиш, ажримларнинг олдини олиш, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳамжамят томонидан медиаторлар иштирокида медиация яраштириш дастурлари, оилавий гуруҳли конференциялар каби болалар ва оилалар билан ишлашнинг инновацион методи самарали қўлланилмоқда.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши учун оптимал шарт, у ўзини ҳимояда ҳис этадиган ишончли оила ҳисобланади. Мигрант ота-оналарнинг 62,6 фоизини оталар, 9,6 фоизини оналар ва 24,9 фоизини ота-онанинг иккаласи ташкил этади. 45% мигрантлар оилаларида камида икки фарзанди ўз юртида қолдириб кетилган, бунда 37% ҳолатда ота ёки бошқа қариндошларга қолдирилган [3], бу болаларнинг ота-онаси билан муносабатларига ҳамда уларнинг ижтимоийлашуви жараёнларига салбий таъсир кўрсатади:

- оила аъзолари, айниқса, оналар, кўпинча 6 ёшга тўлмаган, болаларнинг ривожланишида муҳим даврида болаларини ташлаб, миграция қилишади. Ота-оналар кўпинча фарзандларини қолдираётганида қонун билан ўрнатилган тартибда уларга васий ёки ҳомий ўрнатиш чораларини кўрмай кетади. Айримлари фарзандини Болалар уйи,

Меҳрибонлик уйлари каби давлат тарбия муассасасига жойлаштириш билан муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилади:

– болалар парваришини ўз зиммасига олганларнинг қарийб 45 фоизида камида иккитадан фарзанд бўлиб, 29 фоизида учта ёки ундан кўп, 27 фоизида бир нафар бола бўлган. Қаровсиз қолган болаларга ғамхўрлик қилувчиларнинг энг кўп фоизини аёллар ташкил этиб, улардан 61 фоизи оналар, 29 фоизи бувилар, 2 фоизи оталар ва 8 фоизи бошқа қариндошлардан иборат бўлган.

2021 йил маълумотларига кўра меҳнат миграцияси ота-онаси ёки қариндошлари бўлган болаларнинг оиласидан узоқда тўлиқ давлат таъминотидаги муассасаларда тарбияланаётган болалар сони 935 нафарни, шундан 75 нафари ота-онасининг ҳар иккиласи меҳнат мигрантларини ташкил этмоқда. Уларнинг қарийб 46,0 фоизи Самарқанд (17,8%), Хоразм (14,7%), Фарғона (13,3%) вилоятларига тўғри келади. Шу жумладан, 17 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 158 нафар, 3 та SOS Болалар маҳаллаларида 20 нафар, махсус мактаб интернатларида 757 нафари тарбияланаётгани меҳнат миграциясининг болалар тарбиясига таъсири улушини яққол кўрсатади. Болалар узоқ йиллар мобайнида оила муҳитидан узоқда, ота-онаси меҳри ва ғамхўрлигини ҳис қилмай ўсишга мажбур. Аммо бунда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 7, 13, 19, 20-моддалари, ЎзР “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13, 24-моддалари, ЎзР Оила Кодексининг 65-моддасидаги боланинг оилада яшашга, ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш учун оилавий мақбул шароитда ўсишга бўлган ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолати ва хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланди. Ота-онанинг иккиси ҳам, айниқса онанинг меҳнат миграциясида бўлиши, уларнинг 33%га яқин болалари ўзларини бахтсиз ва 21% хавотирланишни ҳис қилади. Бундан ташқари, 33%га яқин болаларда ота-оналарнинг бири ёки иккисининг йўқлиги туфайли уй ишлари миқдори ортади ва бу ҳам уларнинг кайфияти, жисмоний ҳамда психологик саломатлигига таъсир қилади [4].

Бундай оиладаги болаларда турли психосоматик касалликлар (юқори нафас йўллари сурункали касалликлари, аллергия касалликлар, асаб-руҳий бузилишлар, гавда тузилишидаги деформациялар, тери касалликлари, сурункали анемия, гипертиреоз ва ҳ.к.) ривожланиши кузатилади [5]. Бундан ташқари, ота-онасининг иккиси ҳам хорижда ишлаган даврида ўз юртида қолдириб кетилган болаларининг соғлиғини назорат қилиш, касалликларини ўз вақтида аниқлаш, саломатлигини тиклаш бўйича тегишли мутахассисларнинг ҳамкорлиги, ёрдами ва масъуллиги белгиланмаган.

Мигрантлар болаларининг келажақдаги саломатлиги хавф остида бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим, чунки 1 ёшгача бўлган тахминан 14% болалар вакциналар олмаган, бу эҳтимол васийларнинг хабардор эмаслиги ёки иммунология марказларига бориш имконининг йўқлиги билан боғлиқ. Болаларнинг қарийб 37 фоизи қариндошлари қарамоғида яшайди. Васийларнинг фақатгина 28 фоизи болалар учун ижтимоий хизматлар мавжудлиги ҳақида хабардор бўлиб, уларнинг атиги 19 фоизига турли хил хизматлар томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилади [3].

Миграция вояга етмаганларнинг оналик меҳрини кўрмай ўсиши билан бир қаторда, қариндошлар томонидан таҳқирланиб ўсишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ота-она

яқинларига фарзандини ишониб қолдириб кетган, уларнинг таъминоти учун пул жўнатиб турган бўлсада – болаларнинг ёш, индивидуал хусусиятлари, оилада ўрнатилган муомала хусусияти, оиладаги катталарнинг болаларга нисбатан эътибори, ғамхўрлик даражаси – уларнинг ижтимоийлашувига турлича таъсир қилган [6]. Бунда қуйидаги педагогик-психологик омиллар таъсирини ифодалаш мумкин:

оила аъзоларининг болага нисбатан жисмоний, психологик қўпол муносабат кўрсатиши;

ота-онаси йўқ вақтида 12% болалар имтиёزلардан маҳрум қилинган, 3% телба, дангаса ва шу каби сўзлар билан камситилган, 8% болаларга нисбатан қўпол муносабатда бўлинган. 7% болаларнинг айтишича, ота-оналари сафарга кетганларидан сўнг васийлар томонидан қўлланиладиган жисмоний жазолар уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги учун турли хавфлар туғилишига сабаб бўлади;

кун давомида боланинг нималар билан бандлиги назорат остига олинмаганлиги ва бошқалар.

МУҲОКАМА

Ота-она ва фарзанд муносабатларига салбий таъсир қилган қуйидаги *педагогик-психологик* омилларни ажратиш мумкин [1]:

боланинг кичик ёшлигидан оиланинг бошқа аъзоларига қолдирилиши;

оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар;

ота-онанинг хорижда ишлаш даврининг узоқлиги;

болалар онгига оиласининг бошқа аъзолари томонидан ота-онасига нисбатан норозилик ҳиссининг сингдирилиши;

қайнона, қайногачи, қайни сингиллар ва келин муносабатларидаги зиддиятларнинг боланинг онага нисбатан кайфияти, муносабатига сингдирилиши;

ота-она томонидан жўнатилаётган моддий бойликларнинг бола ихтиёрига берилиши ёки узоқ вақт мобайнида боланинг моддий таъминотсиз қолиши;

боланинг тарбиясида қийинчиликларга учраган қариндошлари уни Меҳрибонлик уйига ёки унинг тарбияси сабабли ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши ва ҳ.к.

Юқорида таҳлил қилинган меҳнат миграциясининг оилалар барқарорлигига таъсирини аниқлаш, қийин вазиятлардаги оилаларга комплекс қўмаклашиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси, унинг ҳуқуқ-тартибот масалалари ҳамда унинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари ва бошқалар томонидан қуйидаги асосий ижтимоий-психологик чора-тадбирлар самарали амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб бориш.

2. Хорижга ишлаш учун жўнаб кетаётган оилалар фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш.

3. Ота-она ва васийларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳуқуқ, мажбуриятлари таъминланишини назорат қилиш.

4. Меҳнатга лаёқатли аъзоларини ва хориждан қайтганларнинг иш билан таъминланишида ёрдам кўрсатиш.

5. Оила аъзоларининг холидан мунтазам хабар олиш, муаммоларини аниқлаш, муаммолар бўйича маслаҳат бериш, уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш.

6. Ота-онаси миграцияда даврида болаларнинг тақдирларини назорат қилиб бориш (васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда).

7. «Оила муқаддас» эзгу ғоясини тарғиб қилиш, оилалар ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга кўмаклашиш.

8. Узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Хуллас, фуқаролар меҳнат миграциясидан ўз юртига қайтиши жараёни муваффақиятли таъминланиши, уларнинг ўз юртида қолган оилалари, фарандларининг холидан хабардор бўлиш, хатар гуруҳидаги оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини самарали ташкил этиш орқали “Хавфсиз маҳалла” тамойилининг устувор йўналишларидан бири бўлган оилалар ва болалар хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

REFERENCES

1. Abduxamidovna, M. D., Abdurahmonovich, A. B. (2021). Analysis of the results of psychological and pedagogical research of labor migrants and their families. Middle European Scientific Bulletin, 12, 440-443. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/579>
2. Боярин Л.В. Психологические особенности социально непропорционального поведения подростков из дальних семей и его коррекции Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, 2014 г.
3. «Влияние миграции на детей в Узбекистане» ЮНИСЕФ, 2019. www.unicef.org/uzbekistan/en/reports/study-report-effects-migration-children-uzbekistan.
4. Маджидова, Д. А. Актуальные вопросы защиты многодетных и малообеспеченных семей и детей, нуждающихся в социальной защите / Д. А. Маджидова. // Актуальные вопросы современной педагогики : материалы III Междунар. науч. конф. (г. Уфа, март 2013 г.). — Т. 0. — Уфа : Лето, 2013. — С. 8-10. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/68/3567/> (дата обращения: 26.07.2022).
5. Маджидова, Д.А. Практическое состояние социальной работы с малообеспеченными многодетными семьями в системе самоуправления граждан / Д. А. Маджидова, С. Х. Таджиева, Фарида Ахматий. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2012. — № 10 (45). — С. 296-298. — URL: <https://moluch.ru/archive/45/5504/> (дата обращения: 26.07.2022).
6. Маджидова Д. Pedagogical and psychological features of parent-child relations in the families of migrant workers. - Herald pedagogiki. Nauka i Praktika, 2021. P. 197-202.
7. Пенишкевич Д. И. Становлення та розвиток професійної освіти на Буковині в к.18 – п.20 ст. – Чв.: Рута, 1998 р. – 48 с.; Мустаева Ф.А. Основы социальной педагогики. Академический проект, 2001.
8. Торохтий В.С. Актуальные проблемы современной социальной педагогики: (избранные статьи) / Департамент образования г. Москвы, Московский гор. психолого-пед. ун-т, Фак. социальной педагогики. - Москва: МГППУ, 2011. - 203 с.

9. Цынцарь А.Л. Психолого-педагогические условия формирования самосознания подростков из дистантных семей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук, Нижний Новгород, 2015 г.
10. Jurayev, R. K., & Karakhanova, L. M. (2020). Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(8), 3500-3505.
11. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
12. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
13. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан химоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
14. Джураев Р. Х., Карахонова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.
15. Караханова Л. 6. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
16. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
17. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
18. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
19. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
20. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.